

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 5 (14,160) 2024 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



9 февраль – буюқ шоир ва мутафакқир  
Алишер Навоий таваллуди куни!



## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокими в.б. Шавкат Умурзаков Минск шаҳар ижроия кўмитаси раиси Владимир Кухарёв билан учрашди.

Меҳмонни самимий қарши олган Ш.Умурзаков Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги узоқ йиллик дўстона муносабатлар икки давлат раҳбарларининг очиқлик сиёсати туфайли янги босқичга кўтарилганини таъкидлади. Тошкент шаҳридаги қулай сармоявий муҳит, инвесторлар учун яратилган кафолат ва имкониятлар, 2030 йилгача Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар ҳақида сўз юритиб, турли йўналишларда, хусусан, мебель ишлаб чиқариш, фармацевтика, тиббиёт, таълим, маданият ва бошқа соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф қилди.

В.Кухарёв самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Тошкент гўзал, обод, яшил шаҳар бўлиб, кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. У Ш.Умурзаковнинг ўзаро фойдали ва манфаатли ҳамкорликка интилишини қўллаб-қувватлар экан, у юксак салоҳият ва истиқболга эга эканлигига ишонч билдирди. Шунингдек, маданий мулоқот, таълим алмашинуви, туристик дастурлар орқали ёшлар билан ишлаш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашув якунида томонлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Минск шаҳар ижроия кўмитаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-технавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни амалга ошириш бўйича 2024-2025-йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини имзоладилар.

\* \* \*

Тошкент шаҳар Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Б.Раджабов Россиянинг йирик хусусий “Синергия” таълим ташкилоти вакиллари билан учрашди.

Бошқарма бошлиғи меҳмонларга юртимизда сифатли таълимни ривожлантиришда профессионал таълим соҳасидаги ислохотлар, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти юзасидан тизимли ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлади.

“Синергия” вакиллари томонидан “Синергия” таълим тизими турли замонавий соҳаларни ўқитишдаги тажрибаси, салоҳияти ҳақида сўзлаб, таълимда биринчи бор онлайн тизимни жорий қилганлар қаторида эканликларини маълум қилди. Мулоқотда томонлар ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, Тошкент шаҳрида IT соҳасига ихтисослаштирилган профессионал таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Учрашув сўнггида тарафлар ўртасида ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар юзасидан мақсадли режалар ва улкан вазифалар келишиб олинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати


## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИЖОДИЙ МАЪРИФИЙ КЕЧАЛАР ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли маданият ва санъат намояндаларининг ижодини кенг оммалаштиришга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида ижодий маърифий кечалар ўтказилиши режалаштирилган.

Маданият вазирлигида Президент Администрацияси маданият ва санъатни ривожлантириш шўъбаси мудири Нодирбек Сайфуллаев ҳамда маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов бошчилигида ана шу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳридаги “Маърифат маркази” Симпозиумлар саройида февраль ойидан бошлаб 2024 йил якунига қадар ҳар ойда таниқли маданият ва санъат намояндалари иштирокида ижодий-маърифий кечаларни ташкиллаштириш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

З.НАЗАРОВ тайёрлади



Алишер Навоий қолдирган улкан маънавий мероси, бетакрор ва нодир ғазалларини девонлари, дostonлари башариятнинг тамаддуни ва адабиётига улкан ҳисса қўшган.

Неча асрларки Навоийнинг беқиёс тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ижоди ўз жозибасини йўқотмай бизгача етиб келмоқда.

Ҳозирги интернет оқими тезлашиб, глобаллашиб бораётган даврда Алишер Навоий ижодини янада чуқурроқ ўрганишга ёшларни кенг жалб этиш, Навоий асарларига сингиб кетган яхшилик, ватанпарварлик, эзгу инсоний фазилатларни ёшлар онгига сингдириш ва бу орқали Ватанимизга хизмат қиладиган баркамол ва комил ёшларни камол топтириш биринчи галдаги вазифамизга айланиб улгурди.

Шу муносабат билан буюк шоир ва мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишлаб, “Адабиёт ва маърифат” ҳафталиги доирасида “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда “Навоийга йўлдошмиз” шиори остида “Қадриятларда Навоий сиймоси” мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Тадбирда ёшларни иншо ёзиш орқали ўз она тилини чуқурроқ билиши, ҳурмат қилиши, ардоқлаши, бехато ёзиш орқали саводхонлик даражасини янада ошириш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди.

Тадбирда “Миллий тикланиш” ДП Тошкент шаҳар Кенгаши масъуллари, партия фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Қувонарлиси шундаки, тадбирни ўтказилиши юзасидан партиянинг ижтимоий тармоқлари орқали эълон берилганида 4 кун ичида 120 дан ортиқ ёшларимиз иштирок этиш истаги билан мурожаат қилдилар. Мурожаат қилган ёшларнинг аксарияти вилоятлардан бўлишига қарамай танлов куни 70 нафардан зиёд ёш етиб келишди. Танлов шартларига кўра 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 30 дақиқа ичида “Навоийга йўлдошмиз” шиори остида “Қадриятларда Навоий сиймоси” мавзусида ўз иншоларини ёзиб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди.

Шаҳримизнинг нуфузли таълим муассасаларидан жалб қилинган мутахассислар ёшлар томонидан ёзилган иншоларни баҳоладилар. Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Акмал Рўзитоёв бу каби тадбирларни ёшлар орасида кўплаб ўтказилиши маънавий етук, саводхонлик даражаси юқори, Ватанга муҳаббатли, халқпарвар ёшлар сафини ортишига хизмат қиладиган дея таъкидлади.

Чиндан ҳам ота-боболаримиз дунё билан она тилимиз орқали сўзлашгани, она тилимизнинг халқаро миқёсда обрў-эътиборини ошириш учун ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан қарашимиз кераклигини унутмаслигимиз зарур. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир.

Танлов якунига кўра, 1-ўрин Ўзбекистон Миллий университети талабаси Озода Раҳматуллаева, 2-ўрин Янгиҳаёт тумани 332-мактаб ўқитувчиси Лайло Хурсанова, 2-ўрин Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети талабаси Моҳинур Эсанова, 3-ўрин Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети талабаси Маърифат Темирова, 3-ўрин Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети талабаси Севинч Музаффарова, 3-ўрин Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи талабаси Зиёдабону Назароваларга насиб этди.

Иншоларни баҳолаш жараёнида қатнашган Раҳима Мамажанова танловда қатнашган барча ёшларнинг ёзган иншоларидан кўнгиллари тўлганлигини таъкидлаб, келажакда Алишер Навоийга чинакам издошлар етишиб чиқишига юксак ишонч билдирди.

Танловда қатнашган ғолиб ва совриндор бўлганлар МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Лайлохон МУҲИТДИНОВА,  
“Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши  
Жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари  
бўйича бош мутахассиси

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ:

# 2024 ЙИЛДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ?

“Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президент Фармони лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Лойиҳа 9 февралга қадар жамоатчилик ва экспертлик муҳокамаларидан ўтказилади.

Ушбу лойиҳада бу йил қандай ҳаводан нафас олишимиздан тортиб, қандай иқтисодий барқарорликка эришимизгача, маънавий-маърифий жабҳадан халқаро алоқаларгача аниқ-тиниқ вазифалар кўрсатиб қўйилган.

Айтиб ўтганимиздек, Фармон лойиҳасида 2024 йил 1 мартдан ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва ҳаво таркибида майда дисперс зарралари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини, айниқса, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Шунингдек, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиغان ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Тан олиш кераки, шу пайтга қадар мамлакатимизда бундай амалиёт ҳеч қачон бўлмаган. Лойиҳада юртдошларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган шу каби ташаббуслар кўп. Энг муҳими, лойиҳа муҳокамасида барчамиз иштирок этиб, ўз таклифларимизни билдиришимиз мумкин.

Хўш, жараёнлар қандай кечмоқда ва 2024 йилда қандай янгилик ва енгилликларнинг гувоҳи бўламиз?

Айтиш жоизки, бугун давлатимиз раҳбари кун тартибига қўяётган асосий масала – мақсадга эришишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдир. “Ўзбекистон–2030” стратегияси ҳам мамлакатдаги салоҳиятни имкониятга, имкониятни эса одамлар манфаатига хизмат қилишига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони 7 та блокдан иборат бўлиб, 36 та бандни ўз ичига олади. Булар:

- Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар;
  - Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ислохотлар;
  - Стратегиянинг ижтимоий сиёсат йўналишидаги ислохотлар;
  - Стратегиянинг иқтисодий йўналишидаги ислохотлар;
  - Стратегиянинг сув ресурсларини тежаш ва экология йўналишидаги ислохотлар;
  - Стратегиянинг давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ йўналишидаги ислохотлар;
  - Стратегиянинг хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишидаги ислохотлар.
- Давлат дастури лойиҳаси эса 5 та қисм ва 100 та мақсаддан иборат. Хўш, бугун қайси бандлар кўпроқ муҳокамалар марказида бўлмоқда?



Элдор Туляков,  
“Тараққиёт  
стратегияси”  
маркази ижрочи  
директори:

– Албатта, давлатнинг ўз стратегиясини ишлаб чиқиши бу жуда катта аҳамиятга эга. Биринчидан, ислохотларни тизимли-лигини таъминлаш билан бирга мана шу ислохотларнинг қайси қисми бажарилди, қай бир қисми бажарилмаганлигини ва яна нималар қилиш

кераклигини кўрсатади. Шу билан бирга унинг самарадорлиги ҳам доимий равишда мониторинг қилиб борилиши жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам давлатлар стратегияларни қабул қилади.

“Ўзбекистон–2030” стратегияси ва бундан олдинги стратегияларнинг қабул қилиниши бу – Ўзбекистон олдида қўяётган мақсадларини ўз фуқароларига, қолаверса, халқаро майдондаги кенг жамоатчиликка очиқ-ойдин кўрсатмоқда. Бу эса хориж давлатлари Ўзбекистонни ўзига ишончли ҳамкор сифатида кўриши учун ҳам муҳимдир. Яъни, юртимизда катта-катта ижобий ютуқлар кўзланганлигини инобатга олиб туриб, халқаро майдонда бошқа давлатлар ҳам Ўзбекистонга бўлган сиёсатини шунга қараб тўғрилаб боради. Инвесторлар ҳам мана шу жараёнга кўпроқ пул тикишга ҳаракат қилади. Шунингдек, Ўзбекистонга сармоя киритмоқчи бўлган бизнес субъектларига юртимизни янада ишончли ҳамкор сифатида кўрсатиш имкониятини беради.

Айтиш жоизки, энг кўп таклифлар 1-банд, яъни Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар юзасидан бўлмоқда. Албатта, бошқа бандлар бўйича ҳам фуқаролар ва фаолларимиз ўзларининг муносабатларини билдириб боришмоқда.

Бундан ташқари, Давлат дастури муҳокамасида энг кўп муҳокамага сабаб бўлаётган йўналишлардан бири бу – инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган биринчи йўналишдир. Чунки, мазкур йўналишда бевосита аҳолининг ижтимоий таъминоти, таълим ва сифатли тиббий хизмат билан таъминланиши аҳолининг кўпроқ қатламига қизиқарли ва муҳим бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда кўп таклифлар келиб тушмоқда. Ҳозирга қадар умумий тарзда мингдан зиёд таклифлар келиб тушган бўлса, энг кўп муҳокама бўлаётган бандлардан бири бу – она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанидан сертификатга эга бўлган умумтаълим мактабларидаги олимларимизга 50 фоиз устама ҳақи тўланиши белгиланаётган банд бўлиб, бу ерда аҳолимиз кўпроқ фаоллик кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар бўйича белгиланган бир қатор бандларда янада бойитишга, такомиллаштиришга доир таклифлар келиб тушаётганлигини ва ўз-ўзидан кўринадики, ёшларимиз мана шу Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этаётганлигини ҳам хулоса қилишимиз мумкин.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади. Бу лойиҳанинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бугун кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётган масала ҳам шу бўлмоқда.

Муҳаммаджон Валиев,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Ёшларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларни ёшлар орасида тадбиркорликни кенг оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун биринчидан, Оилавий тадбиркорлик дастури асосида ажратилаётган кредит маблағларини камида 40 фоизини ёшлар тадбиркорлигига йўналтириш, уларнинг бизнес ғояларини, стартапларини янада ривожлантириш, қизиқишларини оширишга қаратилган алоҳида кўрик-танловлар ўтказиш режа қилинган. Яъни ўзини ғоясини ишлаб чиқариш билан боғлаш имконини бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу танловда яхши натижа кўрсатган ёшларимизни ўз устида ишлашга, мана шу бизнес ғоясини эртага серияли ишлаб чиқаришга руҳлантириш, бевосита аҳолини турмуш тарзини янада яхшилашга йўналтириш учун хорижий мамлакатларнинг ҳам тажрибасини ўрганиш имконияти берилмоқда. Ва уларни шу хорижий мамлакатларда малака ошириш тизими ҳам йўлга қўйилади. Мана шу таклифлар эртага Давлат дастурида акс этиши эртамиз эгалари бўлган ёшларга имкониятларни яратиб беради, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодийнинг ўсишига аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган ҳужжат бўлади, деб ўйлайман.

Шунингдек, лойиҳага жорий йилдан бошлаб “Ёш тадбиркор” танловларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Унга кўра, республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага БҲМнинг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилади ва кредит ставкасининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Бир сўз билан айтганда, эълон қилинган Фармон лойиҳасининг ҳар бир банди эртанги кун мақсадлари рўёбига ҳамоҳангдир. Муҳими эса натижа халқ манфаатига қаратилган.



# БУ СИРЛИ ДУНЁНИНГ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИНГ!

**Америкалик машҳур ёзувчи Марк Твен: “Маънан етук китобларни танлаб ўқи. Акс ҳолда, бир даста қоғоз ҳаётингни захарлаши мумкин”, деганидек, пойтахтимизда жойлашган Миллий матбуот марказида ҳам ана шундай маънан етук бўлган янгича ёндашувдаги дунёнинг сиз билган ва билмаган сирларини изоҳлаб, асослари билан ёзилган “Бу сирли дунё” номли китобнинг тақдими ўтказилди.**

Бу китобнинг муаллифи ким экан, деб қизиқаясизми? Бу ижодкор таниқли журналист, моҳир шарҳловчи ва кўп йиллик тажрибага эга таржимон. Шунингдек, газета-журналларда, телевидение ва радио каналларда, қолаверса ижтимоий тармоқларда ҳам жуда фаол бўлган устозимиз Шарофиддин Тўлаганов бўлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилган ушбу китоб тақдими уюшма раиси вази фасини бажарувчи Холмурод Салимов кириш сўзи билан очди. Х.Салимов муаллифнинг эллиқдан ортиқ мақолалари жамланган “Бу сирли дунё” китоби амалий журналистика учун ҳам, спичрайтерлик йўналиши учун ҳам жуда фойдали қўлланма бўлганлигини таъкидлаб, халқаро мавзуларда узоқ йиллардан буён қалам тебратиб келаётган истеъдодли ва моҳир журналист, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловнинг илк совриндорларидан бири бўлганлигини ҳам қўшимча қилиб ўтди.

Тадбир давомида сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов ва бошқалар Ш.Тўлагановнинг журналистикамиз ривожига қўшган ҳиссаси, китобларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаш жоизки, “Бу сирли дунё” китобида муаллиф йил давомидаги муҳим саналар — миллий ва халқаро байрамлар, жаҳон миқёсида нишонланадиган кунлар моҳиятини очиш орқали инсониятнинг тарихий эврилишлари, кўп қиррали муносабатлар тизимлари силсиласини ўзининг мустақил журналистик нигоҳи ва инсоний қалб призмасидан ўтказган.

Давлатлар ҳақида сўз борганда, муаллиф, албатта, ўша мамлакатнинг Ўзбекистон билан икки томонлама алоқалари тарихи ва ҳамкорлик динамикасига қисқача тўхталиб ўтмасдан кетмайди. Кўп ишлатиладиган, бироқ оддий ўқувчи нотаниш сўзларнинг маъносини ва келиб чиқиш илдизини муфассал изоҳлаб беради, инглиз тилида ёзилишлари ва глобал тенденцияларни ифодалашга уринади.

Тўпلامда мавзулар кўлами ранго-ранг, қамров географияси кенг, мушоҳада қамрови чуқур. Уларда

атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгаришлари оқибатларидан тортиб, умуминсоний қадриятлар емирилишигача, интернет юзага келтираётган оғриқли муаммолар ва геноцид қурбонларидан тортиб, атом электр станциялари фожиалари, цивилизациялар ўртасидаги курашлар авжланаётгани, турли минтақалардаги мураккаб геосиёсий зиддиятларгача батафсил қамраб олинади.

Муаллиф сайёраимизда кечаётган нотинчлик ва талотўплар азал-абад давом этаётган воқелик, “инсониятга ҳамиша йўлдош” муаммо бўлиб қолаётганини кескин қоралайди, қатъий журналистик позиция ва қалб орзусини илгари суради.

“Бу сирли дунё” китобида кўплаб тарихий шахслар номи учрайди. Қирқдан ортиқ мамлакат, турли атоқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ўттизга яқин халқаро ва минтақавий ташкилот ҳақида, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси резолюциялари, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияларида қабул қилинган муҳим қарорлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Ўтган асрнинг 90-йилларнинг иккинчи ярмида “Ўзбекистон” радиосида эфирга узатилган “Дунё”, “Халқаро кундалик”, “XXI аср бўсағасида”, “Шарҳловчи минбари”, кейинчалик эса “Эврилиш” каби муаллифлик эшиттиришлари орқали Шарофиддин Тўлагановни мухлислар яхши эслайди. Бугунги кунда эса у “Ўзбекистон-24” радиоканалида ўзининг қизгин ва сермахсул ижодий фаолиятини давом эттирмоқда, ижтимоий тармоқларда тезкорлиги ва оригинал чиқишлари билан ажралиб туради.

Шу ўринда биз ҳам “Бу сирли дунё” китоби муаллифи Шарофиддин Тўлаганов билан суҳбат уюштирдик. Ушбу суҳбатимизни сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

**— Шарофиддин ака, авваламбор вақт ажратганингиз учун сизга катта раҳмат! Навбатдаги янги китобингиз билан табриклайман. Сизга ушбу тўплагингиз бўйича саволларимиз бор эди.**

— Сизларга ҳам раҳмат. Марҳамат, саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

**— Инсон ҳаётида нимадир янгилик қилса ёки ўзгариш киритса кимдир ёки нимадир туртки бўлади. Сизнинг бу тўплагини китоб қилиб чиқаришингизга ким ёки нима сабаб бўлган?**

— “Ўзбекистон” радиосида “Дунё”, “Оқшом тўлқинларида” деган эшиттиришлар бўларди. Унда ҳар кунги эътиборга молик бўлган саналарни эълон қилиб борилар эди. Мен бу муҳим саналарни доим ён дафтарчамга ёзиб, қолаверса газета-журналларга ҳам бериб турар эдим. Шуларни тўплаб китоб қилиш фикри уйғонди ўзимда.

**— Нима учун китобингизни “Бу сирли дунё” деб номлагансиз?**

— Тўплагларимни китоб шаклига келтириб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, устоз Аҳмаджон Мелибоевга кўриб беришини сўраб берган эдим. Устоз ўқиб чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини

билдириб, “Китобни “Бу сирли дунё” деб номлаш керак” дея тавсия берган эди. Ушбу тўплагим устознинг тавсиялари билан “Бу сирли дунё” деб номланди.

**— Китобни ўқиб чиқар эканман, чиндан ҳам жуда эътибор ва синчковлик билан ҳамда жуда кам учрайдиган йўналишда ёзилганлигининг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Лазиз Раҳматовнинг ушбу китоб ҳақидаги фикрларини баён этганидек: “Журналистик теран қараш билан чиқарилган хулосаларга эга, ахборот аҳамиятини тушунган ҳолда ёзилган асарлар, афсуски, кам ва ўқувчида катта эҳтиёж мавжуд”. Шундай экан нима сабабдан кам нусхада чоп эттирдигиз? Ахир бу каби китобларнинг сонини кўпайтиришимиз кераклигини устоз журналист сифатида биздан кўра, сиз кўпроқ биласизку!**

— Бу саволингиз жуда ҳам ўринли ва долзарбдир. Авваламбор бу маблагга бориб тақалади. Мен ўз имкониятларимдан келиб чиққан ҳолда ва ўз исмини ошкор қилмасликларини хоҳламаган яқин дўстларим ёрдамида чоп эттирдим. Афсуски, китобни чоп эттириш учун бирор ҳомий топилиши мушкул ҳозирда. Агар бу китобни яна сонини оширишга кўмаклашувчи ҳомийлар бўлса марҳамат қилиб босмаҳона билан боғланиш учун телефон рақамларини беришим мумкин. Тўғридан-тўғри босмаҳона билан алоқага чиқиб, қайта нашрга беришлари мумкин.

**— Афсуски охириги вақтда ўзини журналистман, дея бирқанча “журналист” тамагирлик қилиб, соҳанинг асл мутахассисларига ҳам доғ туширмоқда. Ушбу китобингизда ҳам “журналист аслида қандай бўлиш кераклиги?” ва “нималарга аҳамият қаратиш кераклиги?”ни яққол англатиб кетгансиз. Ўзингизнинг шоғирдларингиз орасида журналистикага адашиб келиб қолганлари борми?**

— Ҳамма соҳада бўлгани каби журналистикада ҳам бор. Уларга фақат гувоҳнома керак бўлганлиги учун шу йўлни танлаб, ўзининг ғализ ишларини шу орқали битирмоқчи бўлади. Лекин ҳозирда бунақалар анча қамайиб қолишган. Сабаби гувоҳнома сини кўрсатиб борган ҳар қандай журналистга тадбиркорлар ҳам, амалдорлар ҳам ўз ҳақ-хуқуқларини яхши билиб, қонуний йўл билан жавоб беришмоқда. Бу кувонарли ҳолдир. Чунки қонун устувор бўлган давлатда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хуқуқларини билса, давлат ҳам, жамият ҳам ривожланади.

Бу соҳага адашиб келиб қолган “журналист”ларга маслаҳатим кўлидан келадиган бирор касбни эгалласин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, “Бу сирли дунё” китоби бўлажак сиёсатшунослар, сиёсий технологиялар ва халқаро журналистика соҳаси мутахассислари, кенг китобхонлар учун керакли маълумотларни ўзида жамлаган қимматли қўлланмадир.

**З.НАЗАРОВ тайёрлади**

## НАФАР ХОРИЖЛИК ЎҚИТУВЧИ:

500 ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР  
ВА ХУЛОСАЛАР ҚАНДАЙ?

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хорижий давлатлардан таклиф этилган 50 нафар чет тиллари ўқитувчилари бугун мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида дарс бериш жараёнларини бошлаган. Бу янги тизим ҳақида тил эгалари, маҳаллий педагоглар ва ўқувчилар қандай фикрда?

Юқори салоҳиятга эга хорижлик педагоглар, чет тилларида равон сўзлашаётган минглаб ёшлар, ўз педагогик маҳоратини ривожлантириб бораётган маҳаллий ўқитувчилар... Бир сўз билан айтганда илм-фанда юқори марраларни забт этишга мўлжалланган ташаббус.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган бу стратегияси қисқа даврда ўз медаларини бера бошлади.

**Махлиё МАҚСУДОВА,**  
Учтепа туманидаги  
14-умумтаълим мактабининг инглиз  
тили ўқитувчиси:

– Ҳозирда мактабимизда ишлаётган ҳиндистонлик инглиз тили фани ўқитувчиси Дивя Куннатхоттатхил инглиз тили ўқитувчилари билан мастер-класслар ўтиб, ноанъанавий усулларда дарс ўтиш техникалари билан ўртоқлашмоқда. Ва бу бизни педагогик жиҳатдан ўсишимиз учун ҳам катта ёрдам бермоқда.

Тошкент шаҳридаги 207-мактабда ҳам бугун чет тиллари замонавий методологияга асосланган ҳолда ўтилмоқда.

**Бассам Эл Агез,**  
Учтепа туманидаги 251-мактабда инглиз тили фанидан дарс бермоқда.



– Хорижий давлатлардан чет тили ўқитувчиларини жалб қилиш сиёсати жуда самарали. Биз бу орқали ўқувчиларга халқаро методлар асосида дарсларни ўтаямиз. 80 фоиз ўқувчининг дарсларга жиддий ёндашаётганини кўраётман. Масалан, улар дарсдан ташқари олдимга келиб, мен билан суҳбатлашади ва машғулотларни ҳам бирга бажарамиз. Мактаб келажакда кўплаб имкониятлар беради. Чунки бугунги кунда инглиз тилини мукамал ўргатиш сизда бутун дунё илмини ўрганиш имконияти бор. Шахсан мен бу лойиҳа ўз самарасини камида 4 йил керак. Чунки биз буни нолдан бошладик. Аслида биз Финляндия тажрибасини олиб кирдик. Улар ҳам худди шундай қилишганди. 48 нафар халқаро инглиз тили ўқитувчини таълим тизимига киритдилар ва вақт ўтиши билан бу ўз натижасини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам ана шундай натижалар бўлади. Албатта, мана шундай амбицияли ҳаракатлар натижаси ўлароқ.

Айтиш жоизки, Бассам Эл Агез таълим бераётган ўқувчиларнинг инглиз тилида сўзлашиш даражаси анча ошган.

**Моҳинур Шукриддинова,**  
251-мактаб ўқувчиси:

– Авваломбор, Президентимизнинг бизни ўйлаб амалга ошираётган ушбу ташаббуслари учун раҳмат айтмоқчиман. Мана шундай хорижлик ўқитувчидан тил ўрганиш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман. Устоз Бассам бизга дарс бераётганидан буён инглиз тилидаги нутқимиз анча ўсди ва тилни ўрганиш янада осонлашди. Дарслар 100 фоиз инглиз тилида ўтилади. Хорижлик ўқитувчи келишидан аввал инглиз тилини тушунишим 60 фоиз бўлган бўлса, ҳозирда яна 30 фоизга ошди. Инглиз тилида доимий мулоқот бўлганлиги сабабли ўз она тилимдек тушунадиган бўлдим. Устоз Бассамнинг мактабда очган тўғарагига ҳам қатнашиб, тил билиш даражамизни янада оширишга ҳаракат қилаёلمиз.



Учтепа туманининг чет тилларига ихтисослашган мактабда фаолият бошлаган инглиз тили фани ўқитувчиси нафақат ўқувчиларнинг хорижий тил кўникмаларини ривожлантириш, балки маҳаллий ўқитувчиларнинг ҳам педагогик маҳоратини оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

**Дивя Куннатхоттатхил,**  
ҳиндистонлик инглиз тили фани ўқитувчиси. Учтепа туманидаги 14-умумтаълим мактабда инглиз тилидан дарс бермоқда.

– Мен Ўзбекистон таълим тизимидаги янги лойиҳанинг бир қисминан. Дунё бўйлаб 500 нафар ўқитувчи ташриф буюришган. Биз ҳиндистонликлар 15 нафаримиз. Мамлакатингизда таълим тизими ривожланаяпти ва мен натижаларни кузатиб қувонаёпман. Мен дарс жараёнимда ўқувчиларга луғатларни турли хил интерактив методлар, ўйинлар орқали ўргатиб бораман. Мақсадим ўқувчиларнинг инглиз тили кўникмаларини ривожлантириш орқали нуфузли университетларда таҳсил олишларига ўз ҳиссамни қўшиш. Бутун дунёдан хорижлик ўқитувчиларга инвестиция киритиб, таълимни ривожлантираётган Ўзбекистон Республикаси Президентидан миннатдоримиз. Биламизки, Президентингиз таълим тизimini ривожлантириш мақсадида турли ташаббуслар, лойиҳалар жорий қилмоқда. Биз шу лойиҳалардан бирида ишламоқдамиз ва натижа омадли бўлади. Умид қиламизки, тез орада Ўзбекистон ривожланган давлатлардан бири бўлади.

Бундан ташқари, хорижлик ўқитувчилар дарс бераётган умумтаълим мактабларида маҳаллий ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратини ривожлантириб бориш имкониятига эга бўлмоқдалар.

**Рейнанте Сунагую,**  
филиппинлик инглиз  
тили ўқитувчиси. Мирзо  
Улуғбек туманидаги  
207-умумтаълим  
мактабда инглиз тили  
фанидан дарс бермоқда.



– Президентингизнинг бу борадаги машаққатли меҳнатини алоҳида қайд этишим керак. Янги ташаббус – энг аввало чет тилларида сўзлаша оладиган, муайян соҳада малакали мутахассис бўлиб етишадиган салоҳиятли кадрларни кўпайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Шу боис Президент тобора кўпроқ инглиз тили ўқитувчиларини жалб қилмоқда. Биз эса ўқувчиларимизга инглиз тилини яхши ўзлаштиришлари учун ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаёلمиз. Бу мактабдан ажойиб таассуротлар олдим. Ўқувчилар ўқитувчидан максимал билим олишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг аксарияти аллақачон IELTS сертификатига эга. Нутқ қобилиятини яхшилашга ёрдам берадиган дарсдан ташқари кўшимча машғулотларимиз ҳам бор.

Яшнободлик ўқувчиларнинг ҳам чет тилларини ўрганиш жараёнлари АҚШлик педагог орқали олиб борилмоқда.

**Найжел Дэвид Уилсон,**  
америкалик инглиз тили фани ўқитувчиси. Яшнобод  
туманидаги 153-мактабда инглиз тили фанидан дарс бермоқда.

– Қисқа муддатда мактабларимизда хорижий тил ўрганишда яхши натижаларга эришган синфлар шаклланади. Биз инглиз тилида ижодий ишлар ва тақдимотларни ўз ичига олган дастур тайёрляёмиз. Ўйлайманки, Президент таълим даражасини мактабларда чет тилларини ўрганишни яхшилаш ниятида. Биз маҳаллий инглиз тили ўқитувчилари билан ҳам ишлаймиз. Улар дарс давомида биз билан бирга бўлиб, амалий ёрдам беришади ва ўқитишнинг янги усулларини ўрганишади. Бу барча томонларга – ўқувчиларга ҳам, маҳаллий ўқитувчиларга ҳам фойда келтиради. Бу эса таълим жараёнининг доимий такомиллашувига олиб келади.

Айтиш жоизки, яратилган бундай имкониятлардан ўқувчилар ҳам мамнун.

Хорижий тилларни ўрганиш аниқ фанлар, табиий фанлар, ахборот технологиялари, бир сўз билан айтганда илм-фаннинг ҳар қайси йўналишида юқори салоҳиятга эга ёшларнинг сонини оширишда катта йўл очади.

Дастурнинг давоми сифатида ҳозирда фаолият олиб бораётган 500 нафар хорижлик ўқитувчи сонини 1500 га етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб бошлаган бу дастури ва унга тикилган сармоя илм-фанни ривожлантириш орқали Янги Ўзбекистон ёшлари билан Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек аниқ мақсад сари қўйилган фундаментал тамал тоши бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шоҳида АБЗАЛОВА тайёрлади

# «УЛ НАВОЙИКИМ, БАШАРГА НУРИ ИЙМОНДИР УМИД...»

**Шубҳа йўқки, ўзбек адабиётининг «олтин даври» бевосита мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Навоийдан сўнг нафақат ўзбек, балки туркий адабиётда бирор ижодкор йўқки, Навоийдан илҳомланмаган, уни узига устоз санамаган бўлсин.**

Ана шу эҳтиром ва қизиқиш халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам Навоий образининг яратилишига сабаб бўлди. Унинг тўғрисида кўплаб асарлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ижодида ҳам улуғ мутафаккирнинг таъсири сезиларли, шоир ҳазрат Навоий аъналарини давом эттирди ва шу билан бирга даҳо шоир сиймосига қайта-қайта мурожаат этди. Буюк шоирнинг уммон янглиғ ижодига нисбатан бўлган чексиз завқ Жамол Камол қаламининг ўткирлашидидан ташқари шоир ижодида Навоий сиймосининг яралишига восита бўлди. Жамол Камол адабиёт уммонига шўнғишда бошқа ижодкорлардан ҳам илҳомланган, албатта. «Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم, Шайхзода, Миртемир – булар ёш Жамолнинг яхши кўрган шоирлари эди. У Ойбекка алоҳида меҳр пайдо қилган ва бир умр унинг ижодига боғланиб қолганди. Бироқ ҳаммадан ҳам юксак, ҳаммадан ҳам ёрқин порлаган машъала – Навоий эди. У бошқа шоирларни устоз ҳисоблаган бўлса, Навоийни пир деб билганди». Шу маънода айтиш мумкинки, Жамол Камол мумтоз, хусусан, Навоий ижодига хос шеърини аъналарни муносиб тарзда давом эттириб, уларга ўзининг кенг қамровли тафаккури билан ёндашган шоир сифатида буюк шоирнинг образига ҳам такрор ва такрор мурожаат қилди.

Алишер Навоий ижодида ғазалнавислик муҳим урин тутди. Жамол Камол ҳам буюк устозга эргашади. Навоийнинг хоки пойини кўзга суртиб, ғазал ёзишга киришади. Рамали мусаммани маҳзуф вази ёрдамга келади:

*Мир Алишер хоки пойин  
Кўзга суртарман, Жамол,  
То ёзай деб кўз нурим бирлан  
Гули раъно газал...*

Шогирд, яъни Жамол Камол Навоий ижодидан шу даражада завқ оладики, нафақат мутафаккир шахсияти, балки устоз шоир шеърлятидаги ҳар бир сўзнинг маъно қатламларини излайди. Жумладан, Навоий асарларига оид лугатларни қарар экан, «сувайдо» сўзи ҳам Жамол Камолнинг диққатини тортади.

*Буюк Навоийнинг бош лугатида  
Не-не тушунчалар пинҳону пайдо.  
Ўша олам-жаҳон сўзлар қатида,  
Аломат бир сўз ҳам келар: сувайдо...*

Атоқли навоийшунослар П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар томонидан тузилган лугатда «қора нуқта (гўё бу нуқта юрак ўртасида бўлар эмиш)», дея изоҳланувчи «сувайдо» сўзи Жамол Камолга шу номдаги фалсафий шеърни ёзишга илҳом бағишлайди. «Кимларда жизғанак, кимларда сўхта» бўлгучи бу нуқта:

*Хижрондан тугилса – қонли бўлармиш,  
Армондан тугилса – дардли қорачиқ,  
Ҳамиша кўз каби жонли бўлармиш,  
Ҳамиша кўз каби оламга очиқ.*

Аёнлашадик, лирик қаҳрамон уни хижрондан, армондан туғилган дардли қорачиқ дея талқин этади. Аммо шоир талқин билангина шеърни тугатиб қўя қолмайди, балки ундан пиллапоя сифатида фойдаланиб, ўқувчини мушоҳадага чорловчи «бахслар қавати»га олиб чиқади – «Қалбингда жой олмиш қайси сувайдо?» – дея дафъатан шеърхонга мурожаат қилади.

*Куйгансан шам каби ё машъал мисол,  
Куйшқидир кўксингга «дард» деб уйганинг,  
Лекин сен ўртаниб-куйганда алҳол,  
Юртим, Ватаним, деб борми куйганинг?..*

Риторик сўроқли бандларнинг кетма-кет келтирилиши орқали лирик қаҳрамон исёни ўқувчи шуурига юрт, эл, тил деб ёниб яшагга ундовчи даъват бўлиб кўчиб ўтади. Яъни шоир устоз Навоийни миллат фидойиси деб билгани учун унинг лисонидаги ҳар бир сўзда миллат маънавиятининг, Ватан тараққиётнинг юксалишини кўради десак, шубҳасиз.

Шунингдек, Жамол Камол Ватан мавзусидаги шеърларининг образли ифодаларида ҳам Навоий сиймосини қўллайди. Масалан, «Ўзбекистон туни» шеърда шоир Беруний, Улуғбек, Фурқат каби сиймолар қаторида Навоий образидан уринли фойдаланган.

Ўқувчи тун ва Навоий сиймосининг қандай боғлиқлиги бор деб ўйлаши мумкин. Шоирнинг маҳорати шундаки, улар орасидаги боғлиқликни талмех санъати орқали топа олган:

*Бу тунлар жамолин бир кўрган инсон  
Юртига кетолмай қолса, не ажаб,  
Муҳаббат соларкан бошига савдо,  
Ҳаёт солар экан руҳига жузун,  
Дардини тунларга сўйламиш Лайло,  
Бахтини тунлардан изламиш Мажнун...*

Яъни Ўзбекистон туни ҳар қандай кишини ўзига сеҳрлаб олади. Туннинг бундай гўзал тасвири Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам учрайди. Достон қаҳрамонининг номи – «Лайли» сўзининг маъноси ҳам «тун», «қора» маъноларини англатади. Ошиқ Мажнун учун Лайлидан-да гўзал қиз йўқ. «Ўзбекистон туни»да айнан шу ҳолатга ишора қилиб, Лайло (Лайли) ва Мажнун орқали талмех қўлланган. Ўзбекистон тунини кўрган инсон унга Мажнун тунлар оҳ чекиб, Лайлини излагани каби ошиқ бўлиб қолади. Лирик қаҳрамон ана шундай кечинмалар оғушида беихтиёр «Боғ аро эпкининг мавжида шу чоғ Алишер қалбининг ширин жавлони...»га гувоҳ бўлади гўё. Унинг учун Она ватанида Навоий руҳи доимо кезиб юради.

«Навоий қўлга киритган ижодий ютуқларнинг бош сабаби унинг тил санъаткори ўлароқ ўзбек тилининг гўзаллиги ва ифода имкониятларини очишда беҳад илгарилаб кетганидир», – дейди таниқли навоийшунос Иброҳим Ҳаққул. Чунки шоирнинг юксак маънавий ва маърифий қарашлари ўзбекона янгради. Жамол Камол ҳам, айниқса, она тили масаласига келганда Навоий даҳосини юксак қадрлайди. Барча умидни ундан кутади:

*Шамси анвардир тилим, деб  
Элга келтирди имон –  
Ул Навоийким, башарга  
Нури иймондир умид.*

Мутафаккир шоир халқимизга ўзбек тилини нурли шамшир янглиғ тоблаб берди. Шунинг учун Навоий башариятга иймон нури бўлди демоқчи шоир. Чунки «Алишер Навоий туркий тилнинг буюк кудратини аввал амалий исботлаб, кейин илмий асослаган эди».

Жамол Камол шеърлятида Навоий миллатларни бирдамликка чорловчи сиймо сифатида намоён бўлади. Жумладан, шоир мухаммасларидан бирида ўзбек ва турк миллатларини низо ва ихтилофдан қочишга, аксинча, бирлашиб, ҳамқору ҳаммаслак бўлиб иш кўришга чорлар экан, ёзади:

*Сен агар оҳи алам чексанг, Навоий йиғлагай,  
Эй азиз қондош-қариндош ўзлим, турким менинг...*

дея Навоийнинг гуманистик қарашларига ишора қилади.

Сухбатлардан бирида шоир Афғонистонда мутаассиблар мусиқа эшитишни тақиқлаганлиги, туйларда ҳам куй-оҳангга ўрин берилмаётганлигини айтиб ўкинган эди. Ҳазал ана шу ўкинч туйғуси ўлароқ яралган. Ислом динига кўра Одам Ато лойдан яралгач, Аллоҳ амрига биноан руҳ унга наво сеҳри билан киради. Бундан хулоса шуки, илк куйнинг яралиши Аллоҳдан. Шоир мусиқага ошuftалик инсоннинг табиатида бўлиб, дин бунга монелик қилмайди, деб ҳисоблайди.

*Эй таассуб аҳли, менинг  
Жонимдадур наво,  
Бенаво бўл дебон менга  
Айламанг ўғит.*

Шоир бу маҳдудликка жим қараб туролмайди. Мутаассибнинг ёлғон ақидалар тўкиб, ўғит беришини кескин танқид қилади. Зеро, башарият бор экан, мусиқа, кўшиқ, санъат барҳаётдир ва улар Аллоҳни танишда, покланишда, фан тили билан айтганда, комилликка эришиш йўлида муҳим воситалардир.

Ҳар бир мўмин саждага бош қўйганда Яратгандан дилининг туб-тубидаги орзулари рўёбини, уларнинг армонга айланмаслигини, Ҳақ васлига етиштиришини ният қилади.

Навоий диний асари бўлмиш «Сирожул муслимин»да намоз ўқиш қоидаларига тўхталиб:

*Яна бири Ният этмак бўлди билгил,  
Намоз, албатта, ният бирла қилгил,*

деса, айна йўналишдаги «Насойим ул-муҳаббат» асарида «Ва султон ул-орифин Шайх Абу Язид Бистомий қ.с. намоз қилса эдилар, қаъқаъ аларнинг кўкси сўнгалқларидин чиқар эрди», дея сажда чоғида «қаъқаъ» – овоз борлигини таъкидлайди. Жамол Камолнинг лирик қаҳрамони ислом динининг фарзини адо қилганда Аллоҳдан шу ўтинчларининг қабул қилишини назарда тутиб, наво, яъни овоз чиқариб ният қилар экан, фикрининг нақадар асосли эканлигини пири Навоийнинг фикрлари билан далиллантиради:

*Навоийдин наво етмиш  
Жамолга бўйлаким,  
Намозда ҳам наво тиланиб,  
Айлагай сўжуд...*

Кўринадики, Жамол Камол Навоийни нафақат шоирликда, балки динда, комилликда ҳам ўзига устоз деб билади. Устозининг ўғитлари орқали маҳдудликка қарши чиқади.

Жамол Камол Алишер Навоий ижодидан шу қадар кўп баҳра олган ва шахсиятига чексиз эҳтиромда бўлганки, сўз санъатининг вакилларига баҳо беришда ҳам устоз шоир сиймоси мезон вазифасини ўтаган. Ижодкорларнинг маънавий қиёфасини уларнинг Навоий ижодини қанчалар теран англаганлиги, таҳлил ва талқин эта олишига қараб ёритади. Навоий ижодига эҳтиром кўрсатган ҳар бир ижодкор билан ўзини маслақдош билади. Бу борада Жамол Камолнинг Ойбек ва Шайхзодага бўлган муҳаббати ўзгача эди. Шу сабабли унинг шеърлятида, тадқиқотларида, публицистик мақолаларида бу номларни тез-тез учратиш мумкин. Шоир ҳатто лириканинг энг йирик жанри бўлмиш дoston жанрида Ойбекка атаб «Тош туғён»ни ёзган бўлса, Мақсуд Шайхзодага «Шайхзода» асарини бағишлади. Таъкидланганидек, шоирнинг бу устозларига бағишланган деярли барча асарларида Навоий образи учрайди.

Ойбек хотирасига бағишланган марсияда қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

*Унда жўшар эди ўтли бир уммон,  
Ўзбекнинг закоси эди унда жам.  
О, унинг руҳида яшарди омон  
Алишер илҳоми кашф этган олам!*

Шоир Ойбек табиатининг ўзбеконалигини, тафаккурининг кенг кўламлилигини (Ўзбекнинг закоси эди унда жам) «Алишер илҳоми кашф этган олам!»га боғлайди.

Хуллас, Жамол Камол шеърлярида Навоий улўғ устоз, ҳам ижоди, ҳам амали билан маънавий раҳнамо – пир сифатида эътироф этилган. Бу шеърлята Навоий яратган асарларни ўқиш, унинг қаҳрамонлари билан яқиндан танишишга даъват бор. Айниқса, миллат, тил, Ватан, адабиёт мавзулари тараннум этилган шеърларда мутафаккирнинг буюк сиймоси бош мезон вазифасини ўтаган.



**Мунисжон ҲАКИМОВ,**  
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходими



# БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИГА ЧАЛИНИШ КЎПРОҚ НЕЧА ЁШЛИ АЁЛЛАР ОРАСИДА УЧРАЙДИ?

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кўрак беги саратонидан кейинги ўринда туради ва кенг тарқалган саратон хасталиги ҳисобланади.**

Туғиш ёшидаги аёллар (18-45 ёш) орасида касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича эса бачадон бўйни саратони кўрак беги саратонидан кейин иккинчи ўринда туради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда бачадон бўйни саратони ҳар 100 минг нафар аёлдан 11 нафарида учрайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли фонди (UNFPA) маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2021 йилдаги маълумотларга кўра 1827 нафар аёлда бачадон бўйни саратони аниқланган ва улардан 997 нафари ушбу саратондан вафот этган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича ўз вақтида чора кўрилмаса ушбу касаллик билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ошиб боради ва 2030 йилга келиб 2100 нафар аёлда бачадон бўйни саратони

кузатилади ва ўлимлар сони 1300 тага етади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда бачадон бўйни саратонига чалиниш кўпроқ 35-55 ёшли аёллар орасида кузатилмоқда.

Вирусология илмий-текшириш институти ҳамда Жанубий Кореянинг KOFIN фонди ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида 5 та, Андижон вилоятида 2 та, Самарқанд вилоятининг 4 та оилавий поликлиникаларда бепул скрининг ўтказилди. Ушбу скрининг текширувлари 30-49 ёшли аёллар орасида ўтказилди. Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида жами 44258 нафар аёл скринингдан ўтказилди ва улардан 338 нафарида бачадон бўйни саратон олди касалликлари аниқланди. Бачадон бўйни саратон олди касалликлари аниқланган барча аёлларга даволаниш учун юборилди ва улар халқаро стандартларга мувофиқ керакли даво муолажаларини олишмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, айтиб ўтилган касалланиш ва ўлим даражаси юқори бўлишига қарамасдан одам папиллома вируси юзга

келтирадиган бачадон бўйни саратон олди касалликларини тўлиқ даволаш имкони мавжуд.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бачадон бўйни саратони 90 фоиз ҳолатларда одам папиллома вируси томонидан чақирилган инфекциялардан бошланади.

Саратон ривожланишини дастлабки босқичларида аниқланса, уни ҳам тўлиқ тузатиш имкониятлари мавжуд.

Бачадон бўйни саратонини қизларни одам папиллома вирусига қарши эмлаш орқали ҳам олдини олиш мумкин.

Ўзбекистонда 9 ёшли қизларни одам папиллома вирусига қарши эмлаш ишлари 2019 йилда бошланган ва эмлаш календарига киритилган.

ЖССТ аёлларга бачадон бўйни саратонига чалинмаслик учун 25-49 ёш даврларида ҳар 3 йилда, 50-64 ёш даврларида эса ҳар 5 йилда скрининг текширувларидан ўтиб туришлари тавсия этилади.

Қизларни келажақда бачадон бўйни саратони касаллигидан сақлаш учун эса уларни одам папиллома вирусига қарши эмлаш тавсия этилади.



## ИЧТЕРЛАМА ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

**Ифлосланган қўллар, маиший чиқиндилар, ҳашаротлар (пашша) орқали юқадиган касаллик – қорин тифидир. Қорин тифи юқумли ичак касаллиги бўлиб, уни тиф таёқчаси кўзга тади. Юқуш омиллари сув, озиқ-овқатлар, ифлосланган қўллар, маиший чиқиндилар, ҳашаротлар (пашша) ҳисобланади.**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки ушбу касалликка чалинганлар орасида касалликни ташувчи ҳисобланганлар диспансер назоратида туради ва улар йилда бир марта табиб қўриқдан ўтказилади.

Хасталик касалланган одамдан одамга қайнатилмаган сув ичиш, ифлосланган сув ҳавзасида сузиш, касаллик қўзғатувчилари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан сут ва сут маҳсулотлари, яхши қовурилмаган ва нотўғри сақланган гўшт, ювилмаган сабзавот ва меваларни истеъмол қилишда ва маиший мулоқот орқали юқеди.

Касалликнинг инфекция манбаи ҳар доим одам — касалликнинг ўткир босқичида бўлган ёки бактериялар ташувчиси бўлган бемор ҳисобланади.

Ичтерлама диагностикасининг энг ишончли усуллари бу лаборатория текширувлари ва энг аниқ ва тезкор усули беморларни қонини текшириш ҳисобланади.

### Касалликка чалинганлар қандай даволанади?

Инфекция ўта зарарли бўлиб, касаллик қийин ва кўпинча мураккаб бўлганлиги сабабли, тифни даволаш касалхонанинг юқумли касалликлар бўлимида амалга оширилади. Касаллик пайтида бемор ётоқ режимига риоя қилади ва инфекция боксидан чиқмайди. Даволаш беморнинг тана ҳарорати ўн кун давомида нормал ҳолатга келгунга қадар давом этади ва қуйидагилар ўтказилади: антибиотиклар, йўқотилган суюқлик ўрнини қоплаш, юқори оқсилли юмшоқ парhez.

Антибактериал дориларни қабул қилиш бир неча ой давом этади. Беморларнинг аҳолини доимий назорат қилиш асоратларни эрта аниқлаш ва уларнинг ривожланишининг олдини олишга имкон беради. Касалхонадан чиқарилгандан сўнг бемор диспансер назоратида рўйхатда бўлади.

### Ичтерламани қандай олдини олиш мумкин?

Профилактика чораларига қуйидагилар киради:

- Ифлосланган сув ҳавзаларида сузмаслик.
- Фақат тозаланган ёки қайнатилган сув ичиш.
- Овқат тайёрлашда гигиена қоидаларига эҳтиёткорлик билан риоя қилиш.
- Қўлни совун билан тез-тез ювиш.
- Сув ҳавзалари ва чиқинди сувларни дезинфекция қилиш.
- Ичтерлама касаллигининг ташувчилари озиқ-овқат билан боғлиқ бўлган муассасаларда ишлашга рухсат этилмайди.

## БРУЦЕЛЛЁЗ: ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОЛИШИ ВА ҲАТТО НОГИРОНЛИККА ҲАМ ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН...

**Бруцеллёз қишлоқ хўжалиги ва уй ҳайвонлари орасида кенг тарқалган касаллик ҳисобланиб, бу касаллик билан одамлар ҳам касалланади.**

Одамларда хасталик кўпроқ сурункали кечади ва беморни узоқ муддатга иш қобилиятини йўқолиши ва ҳатто ногиронликка ҳам олиб келиши мумкин. Майда шохли ҳайвонлар ўчоғи кишиларга касалликни юқиши жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Бруцеллёз касаллигининг яширин даври 3 дан 6 ҳафтагача, баъзан 2 ойгача давом этади.

Касаллик аломатлари: ҳароратнинг кўтарилиши; эт увишиши; асабийлашиш; уйқусизлик; тилнинг қараш билан қопланиши; тери ва шиллиқ парда рангининг оқариши; ҳаракат ва таянч аъзолар фаолиятининг бузилишлари, бўғимлар ҳаракатининг чекланиши; жинсий ва таносил аъзоларда орхит, ҳайз кўришнинг бузилиши, бола тушиши ва муддатидан илгари туғиш.

### Касалликнинг олдини олиш учун нима қилиш лозим?

- Чорва моллари сақланадиган молхоналарни вақти-вақти билан 10 фоиз хлорли оҳак эритмаси билан зарарсизлантириб туриш.
- Бола ташлаган, йўлдоши вақтида тушмаган моллар ветеринария ходимлари назоратида бўлиши, бошқа ҳайвонлардан ажратилиши ва уларнинг чиқиндилари хлорли оҳак билан зарарсизлантириш.
- Ўлик туғилган ҳайвон боласи ва йўлдоши эҳтиёткорлик билан 2 метр қазилган чуқурга ташланиб, устига хлорли оҳак сепиб кўмиб юборилиши, уларни итлар ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилмаслик.
- Касал ҳайвонлар билан ишловчилар махсус кийимлар (комбинзон, резина этик, қўлқоп, халат ва респираторлар) кийиб ишлаш.
- Ҳайвонларнинг жунини олиш жараёнида, молхоналарни тозалаётганда, албатта оғиз ва бурунга 4 қаватли докадан тайёрланган ниқобдан фойдаланиш.
- Болалар, ўсмир ва ҳомиладор аёлларни касал ҳайвонлар билан ишлашларига йўл қўймаслик.
- Ветеринария кўригидан ўтмаган молни сўймаслик ва уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилмаслик.
- Гўшт ва жигардан тайёрланадиган таомлар, айниқса кабобларни яхши пиширилишига аҳамият бериш.
- Белгиланмаган жойларда ёки қўлда сотилаётган сут, хом қаймоқни харид қилмаслик.
- Доимо шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, айниқса қўл ювиш кўникмаларини шакллантириш керак.



<b>TOSHKENT OQSHOMI</b>  МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКМЛИГИ	<b>Бош муҳаррир:</b> Севдо НИЁЗОВА	«Toshkent oqshomi»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, коғоз бичими А3	Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди	
	<b>Нашр учун масъул:</b> З. НАЗАРОВ	Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51	2024 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, коғоз бичими А3	Тошпириш вақти 00:55 Тошпирилди 05:00 Буюртма -	